



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 8 сентябрь, № 178 (6613) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Исло Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Марокаш Қироли — **Муҳаммад VI**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — **Абдулазиз Бутефлика**

Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**

Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**

Польша Республикаси ташқи ишлар вазири — **Витольд Вашиковский**

Мальдив Республикаси Президенти — **Абдулла Ямин Абдул Гаюм**

Мўғлистон Республикаси Президенти — **Цахиагийн Элбэгдорж**

Грузия Президенти — **Георгий Маргвелашвили**

Грузия Бош вазири — **Георгий Квирикашвили**

Грузия ташқи ишлар вазири — **Михеил Жанелидзе**

Руминия ташқи ишлар вазири — **Лазар Команеску**

БМТ Бош котибининг ўринбосари, ЭСКАТО ижрочи котиби — **Шамшад Ахтар**

Осиё тараққиёт банки президенти — **Такэхико Накао**

Жаҳон банки гуруҳи ижрочи директорлари — **Йорг Фриден**

Энергетика хартияси бош котиби — **Урбан Руснак**

Европа котиблари ва тараққиёт банки президенти — **Сума Чакрабарти**

Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси бошқаруви раиси — **Вольфганг Бюхеле**

“Хаят интернейшнл” компаниясининг Европа, Осиё ва Яқин Шарқ бўйича минтақавий президенти — **Питер Фултон**

«ЛЕМКЕН» компанияси ижрочи директорлари — **Антони ван дер Лей**

«Уайт энд Кейс» компанияси президенти — **Жейсон Керр**

«ИНДОРАМА» корпорацияси бошқаруви аъзоси — **Пракаш Кежривал**

«Сумитоко Корпорейшн» президенти ва катта ижрочи директорлари — **Кунихиро Накамура**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти минтақавий директорлари — **Жужанна Якоб**

Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси — **Ивета Григуле**

Россия телевидение ва радиоэшиттиришлар уюшмаси раҳбари — **Эдуард Сагаллаев**

Цукуба университети президенти — **Кёсукэ Нагата**

Бремен университети профессори — **Хаген Лихтенберг**.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

«БОИНГ – ФУҚАРО САМОЛЁТЛАРИ» КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 сентябрда «Боинг – фуқаро самолётлари» компанияси президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов вафоти муносабати билан Р. Коннер «Боинг» компанияси номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Боинг» компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида эришилган юқори даражадаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исло Каримов кўшма лойиҳаларига ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганининг самараси экани таъкидланди.

Бугун «Боинг» компанияси Ўзбекистоннинг йўловчи ташйидиган замонавий самолётлар етказиб бериш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш борасидаги ишончли ҳамкоридир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси айна пайтда 15 та «Боинг» самолётидан фой-

даланмоқда. Миллий авиакомпаниямиз томонидан амалга оширилаётган барча ташувларнинг ярмидан кўпи айнан ушбу ҳаво лайнерлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва бу авиакомпаниямизнинг минтақадаги йирик ҳамда жадал ривожланаётган авиакорхоналардан бири сифатидаги ўрнини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги арафасида Миллий авиакомпаниямиз самолётлари сафига энг замонавий ва шинам «Боинг-787 Дримлайнер» ҳаво кемаси ҳам қўшилди. Мазкур лайнер шу йилнинг 5 сентябридан Урганч, Бўхоро ва Нукус шаҳарларига дастлабки парвозларни амалга оширган бўлса, келгуси ҳафтадан халқаро авиайўналишларга қатнаш бошлайди. Жорий йилнинг ноябрь ойида эса Ўзбекистонга иккинчи «Дримлайнер» келтирилади.

Мамлакатимизда, жумладан, Миллий авиакомпаниямиз ўқув-машғулот марказини комплекс тренажёр ускуналари билан таъминлаш орқали учувчи ва мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорликда самарали ишлар олиб борилаётган.

Шу йилнинг январь ойида янги қўшма лойиҳа — «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиакорхонаси базасида замонавий самолётлар конструкциясининг йирик композит материалларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ишга туширилди.

Рэймонд Коннер кўшма лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди ва у раҳбарлик қилаётган компания Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

2016 йил 2 сентябрь кунини Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи оғир жудоликка учради: машҳур давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов ҳаётдан кўз юмди. Бу қайғули воқеа нафақат мамлакатимизни, балки бутун дунёни ҳам қалқитди.

Исло Каримовнинг вафоти муносабати билан мотам ихорини сифатида **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи** биноси ёнидаги БМТ байроғи туширилди. Худди шундай тadbирлар БМТ бўлимлари жойлашган Женева (Швейцария) ва Рим (Италия) шаҳарларида ҳам ўтказилди. Шу билан бирга, ташкилотга аъзо барча давлатларнинг байроқлари туширилди.

Ўзбекистоннинг **Латвия Республикасидаги элчихонасига** мазкур мамлакат Президенти **Раймонд Вейонис** ташриф буюриб, куйидагиларни қайд этди:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига латвияликлар ва ўз номидан чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Исло Каримов 25 йил давомида давлат раҳбари

сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни жадал ривожлантиришга бебахо ҳисса қўшди.

Биз Латвия ва Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун бундан кейин ҳам мамлакатингиз билан биргаликда саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш ниятидаммиз”.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистоннинг **Бокудаги элчихонасига** ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг вафоти муносабати билан ўзбек халқига ҳамдардлик изхор этиш асносида куйидагиларни баён қилди:

“Исло Каримов мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида тарихдан жой олди, — деди И. Алиев. — Мамлакат мустақиллиги ва

суверенитетининг қўлга киритилиши, ривожланиши ҳамда мустақамланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларда эришилган муваффақиятлар, қардош Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Исло Каримовни Озарбайжонда кўп асрлик дўстлик ва бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш аънаналарини мустақамлашга, икки томонлама муносабатларни шакллантириш ҳамда изчил ривожлантиришга ҳисса қўшган самимий дўст сифатида билишадимиз ва чуқур ҳурмат қилишадимиз.

Исло Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади”.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бўш вазири Ли Кэцян Ўзбекистоннинг **Хитойдаги элчихонасига** ташриф буюрди.

У Президентимиз вафоти муносабати билан Исло Каримов портрети пойига Хитой ҳукумати номидан гулчамбар қўйди ва таъзия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб, чуқур қайғудалигини изхор этди.

“Исло Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи учун улкан йўқотиш, балки Хитой халқи учун ҳам самимий дўстдан жудо бўлишдир. Хитой ҳукумати ва халқи унинг вафоти муносабати билан чуқур қайғуда. Биз Хитой ва Ўзбекистоннинг кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланишини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш ниятидаммиз”, деди Ли Кэцян.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов вафоти муносабати билан мамлакатимизнинг Исломободдаги элчихонасига **Ўзбекистон Бош вазири Павлоз Шариф** ташриф буюрди. У таъзия изхор этар экан, куйидагиларни таъкидлади:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 7 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг таклифига қўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисини 2016 йил 8 сентябрь кунини Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлиси кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида»ги масала киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ахборот хизматлари.

ЎЗБЕК ФЕРМЕРИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асоратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали халос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса тиранимдир. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир.

Исло Каримов.

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигига дастурхонимиз файзу баракаси барча соҳа қатори қишлоқ хўжалиги истиқболига ҳам боғлиқ. Шу боис истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг мазкур муҳим тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этди. Айниқса, бозор муносабатларини ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга қаратилган изчил

ислохот

яққол далиган изчил лидер.

Ушбу рабирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бунинг юртимизда дунёнинг тараққий топан давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати жорий қилинган мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу ўринда мустақиллик йилларида аграр соҳадаги ислохотларни амалга ошириш, жумладан, фермер хўжалиklarининг мустақам хуқуқий ҳамда меъёрий асосларини яратиш, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлатимиз раҳбарининг асосий диққат-этиборида бўлганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, фермерлик истиқболига қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатлар мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантиришда муҳим ҳамда хал қилувчи аҳамият касб этди. Натижда қисқа давр ичида нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси, балки аграр соҳа,

у билан боғлиқ бошқа тармоқларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий куч сифатида тўла шаклланди. Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 — 92 фоизи 160 мингдан ортқ фермер хўжалиklarини улушига тўғри келаётгани бунинг яққол далигидир.

Ушбу рабирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бунинг юртимизда дунёнинг тараққий топан давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати жорий қилинган мисолида яққол кўриш мумкин. Шу ўринда мустақиллик йилларида аграр соҳадаги ислохотларни амалга ошириш, жумладан, фермер хўжалиklarининг мустақам хуқуқий ҳамда меъёрий асосларини яратиш, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлатимиз раҳбарининг асосий диққат-этиборида бўлганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, фермерлик истиқболига қаратилган бошқа меъёрий ҳужжатлар мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантиришда муҳим ҳамда хал қилувчи аҳамият касб этди. Натижда қисқа давр ичида нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси, балки аграр соҳа,

(Давоми 4-бетда).

Тўқимачилик саноати ривожини учун қулай бизнес майдони

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТМЕ — 2016” ҳамда “Тўқимачилик саноати — TextileExpo Uzbekistan — 2016” халқаро кўргазмалари очилди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Тўқимачилик ва энгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал сурьатларда ривожланаётган, экспорт салоҳияти тобора ортиб бораётган тармоқлардан ҳисобланади. Фақатгина 2016 йилнинг биринчи ярмида тўқимачилик, кийим-кечак ҳамда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш жабҳасида 16,6 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол тасдиқлаб турибди. Истиқлол йилларида соҳа истиқболига алоҳида эътибор қаратилиб, қулай инвестициявий муҳит яратилгани, пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида замонавий корхоналар қурилаётгани қўлга киритилаётган ютуқларнинг муҳим омилли бўлаётган.

Дарҳақиқат, соҳага ички ва ташқи инвестициялар жалб этилган ҳолда, янги корхоналарга асос солиниб, мавжудлари эса тубдан реконструкция қилинмоқда. Хусусан, охириги уч йилда умумий қиймати 575 миллион АҚШ долларини, экспорт салоҳияти 216 миллион долларлик 92 та саноат корхонаси фойдаланишга топширилди.

Бу каби таркибий ўзгаришлар самараси ўлароқ, ҳозир бозорларимизда газламадан тортиб, қишки кийим-кечакларгача бор. Юртдошларимиз уларни танлаб, ўзларига маъқул бичим ҳамда моделдагисини сотиб олишади. Тайёрланаётган маҳсулотларга ортиб бораётган талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин кўпайтириляпти. Мисол учун, “Ўзбек-енгилсаноат” акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналар йилига 450 минг тонна калава ип, 176 миллион погон метр газлама, 90 минг тонна трикотаж мато, 260 миллион дондан зиёд тикувчилик-трикотаж маҳсулот-



лари тайёрлаш қувватига эга. Кўргазмаларнинг очилишида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил саноат

маҳсулотларига хорижда ҳам талаб ортиб бораётган. Чунки ўзбек пахта толасидан тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари ўзининг табиийлиги, юқори

сифати билан ажралиб туради. Шу боис истиқлол йилларида экспорт ҳажми 140 баробар ўсди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРДИ

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

“Президент Исро Каримов мустақил сиёсат йўлидан борди ва ўз халқининг ҳақиқий йўлбошчисига айланди. Унинг донолиги, узоқни кўра биланлиги туфайли Ўзбекистон улкан муваффақиётларга эришди. Исро Каримовнинг республика тараққиёти ва фаровонлигига қўшган ҳиссаси мамлакат аҳлининг қалбидан алоҳида жой эгаллаган.

Исро Каримов билан 1992 йилнинг июнь ойидаги биринчи учрашувимиздан буён унга ишончли ҳамкор сифатида муносабатда бўлиб келдим. Унинг ҳаётдан кўз юмиши Покистон учун буюк ва самимий дўстан жудо бўлишидир.

Унинг оиласига ва ўзбек халқига бу мусибатни енгиб ўтиш йўлида сабр-бардош талайман”.

Мамлакатимизнинг Қобулдаги элчихонасига **Афғонистон Исро Республикаси миллий биллик ҳукумати Иброя кенгашининг раиси Абдулла Абдулла** ташриф буюрди:

“Исро Каримов ўз халқининг фаровонлиги учун жуда кўп меҳнат қилган нуфузли раҳбар ва сеvimли арбоб эди.

Ўзбекистон халқига сабр-тоқат, бардамлик ва фаровонлик тилайман”.

Республикамиз Биринчи Президенти Исро Каримовнинг вафоти тўғрисидаги хабар Японияда ҳам чуқур қайғу билан қабул қилинди. **Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонасига Бош вазир ўринбосари, молия вазири Таро Асо** ташриф буюриб, куйдагиларни таъкидлади:

“Жуда қаттиқ қайғудаман. Исро Каримов буюк инсон ва Япониянинг ҳақиқий дўсти эди. Мамлакатингизга бир неча мартаба борганман ва у киши билан суҳбатлашганман. Бизга чин дўст бўлган Ўзбекистоннинг шақланиши ва илчил ривожланиши буюк давлат арбоби Исро Каримовнинг номи билан боғлиқдир. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатда ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорлик сақланиб турибди. Республика бундан кейин ҳам муваффақиётларга эришишига ва Япония билан дўстона муносабатларини сақлаб қолишига ишонаман”.

Таиланд Қироллиги **Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Правито Вонгсуван бошчилигидаги ҳукумат аъзоларининг бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг Банккдаги Бош консулхонасига** ташриф буюрди.

Бош консулхона вакиллари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон мустақиллик йилларида Исро Каримов раҳбарлигида эришган муваффақиётларга юқори баҳо берилди. Давлатиёзи раҳбарининг узоқни кўзлаган сиёсати туфайли мамлакатимиз жаҳонда ҳукм сураётган мураккаб шароитда ҳам тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, иқтисодий ўсишининг барқарор

сурьатларига эришганлиги таъкидланди.

Ўзбекистоннинг Ашхободдаги элчихонасига **Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов** ташриф буюрди. “Бугун бутун Туркманистон халқи қардошлари — Ўзбекистон фуқаролари билан бирга мотам туқмоқда. Исро Каримов мамлакатимиз ва халқимизнинг катта дўсти эди. У давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий, анъанавий қардошлиқ алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти дунёда нуфузли ва машҳур сиёсатчи, деб билишар эди. Унинг халқаро миқёсдаги ташаббус ҳамда тақлифлари глобал ва минтақавий аҳамиятга мўлик кенг қамровли ва узоқ муддатли дастурларга асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг порлоқ хотираси Туркманистон халқининг қалбига абадий сақланиб қолади”.

Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сироҷиддин Асло мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонасига бўлиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сиймосига юксак баҳо берди.

“Исро Каримов янги суверен давлат вужудга келган муҳим паллада республикага етакчилик қилгани ҳолда, мамлакат ривожланишининг хусусияти ва мазмуни билан белгилаб берган машҳур давлат арбоби сифатида тарихдан жой олди. Донишмандлиги ва узоқни кўра олгани туфайли юксак эътирофга сазовор бўлди ва мамлакат ташқирисидан дунё тан олган сиёсатчи номини қозонди”, деди Тожикистон ташқи ишлар вазири.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Пекиндаги Котибиятида ушбу қайғули воқеа муносабати билан мотам маросими ташкил этилди. ШХТ Котибияти жамоаси бир дақиқа сукот сақлагани ҳолда, Исро Каримовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Бундан ташқари, **Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонасига ШХТ Бош котиби Рашид Алимов** ташриф буюрди. У атоқли давлат арбоби вафоти муносабати билан чуқур қайғу ихор этар экан, куйдаги фикрларни билдирди:

“Исро Каримов ўз халқининг қалбига ва жаҳон сиёсатида жуда чуқур из қолдирди. Биз унинг номини, эзгулиги ва оқиллигини доимо ёдимизда сақлаймиз. Тарих ва авлодлар бу машҳур давлат арбобининг юксак салоҳиятига муносиб баҳо беришига ишонамиз.

Биз Исро Каримовнинг Ўзбекистонда самарали сиёсий тизим яратилиши ва кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилишидаги хизматларини қадраймиз. Ана шундай омиллар туфайли республика дунёнинг илчил ривожланиб бораётган мамлакатига айланди. Марказий Осиёда

тинчлик ва хавфсизликни сақлашда Ўзбекистон раҳбари катта ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг ШХТ ривожига қўшган ҳиссаси юқори баҳога сазовордир. Унинг сиёсатчи сифатида узоқни кўра билши ва дипломатик маҳорати Ўзбекистоннинг 2015-2016 йиллари ШХТдаги раислиги даврида ҳамда ташкилотнинг Тошкент саммити юқори савияда ўтказилганда яққол намён бўлди. Хиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланиши Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди”.

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасига ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Эрик Фолт ташриф буюриб, куйдагиларни айтди:

“Исро Каримовнинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабарини чуқур қайғу билан қарши олдим. Бу ўрнини тўдириб бўлмас йўқотиш муносабати билан ЮНЕСКО Бош директори ва ўз номимдан Ўзбекистон халқига ва Президент оиласига чуқур ҳамдардлик билдираман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон ва ташкилот ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича Президент Исро Каримовнинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ижтимоий жаёба, шу жумладан, таълим тизимини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини дунёга кенг тараннум этиш борасида муваффақиётларга эришилгани эътиборга сазовордир”.

Япония мудофаа вазири Томони Инада Ўзбекистон Йўлбошчисининг хотирасини ёдга олиб, республикамизнинг Токиодаги элчихонасига келди.

“Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Биринчи Президент раҳбарлиги остида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Бундай йўқотишга қарамасдан, биз Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлиқни бундан кейин ҳам янада мустаҳкамлашга интиламиз.

Халқининг қайғусига шерикмиз ва японияликлар номидан Президентининг оила аъзолари ҳамда Ўзбекистон халқига чуқур таъзия ихор этаман”.

Ўз навбатида, **Сингапур Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазири Жозефин Тео** Ўзбекистон Республикасининг Сингапурдаги элчихонасига келиб, ҳамдардлик китобига ўз таъзияномасини ёзиб қолдирди.

Корея Республикасининг собиқ Президенти Ли Мён Бак бир гуруҳ ҳукумат вазири ҳамроҳлигида **Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонасига** келди. Мамлакатининг собиқ раҳбари шундай деди:

“Менинг чуқур таъзиями қабул этгайсизлар. Мен ҳеч қачон дўстимни унутмайман. Яратган унинг оиласи ва Ўзбекистон халқини ўз ҳимоясига асрайди.”

Биз Исро Каримов билан яқин дўст эдик, тез-тез кўришиб турардик. Рўй берган ҳодиса мен учун сира қутилмаган воқеа бўлди. Мен яқин дўстимдан айрилдим”.

Исро Каримов вафоти муносабати билан **Қирғизистон Республикасининг собиқ Президенти Роза Отунбаева** ҳам чин дилдан таъзия билдирди:

“Сўнгги 25 йил давомида биз мураккаб тарихий йўлни босиб ўтдик. Бугун минтақамиз умумжаҳон миқёсида катта аҳамиятга мўлик ижтимоий шохиди бўлиб турибмиз. Исро Каримов минтақамизнинг энг машҳур сиёсатчиларидан бири, десак, хато қилмаган бўламиз. Мен у билан Қирғизистон ва Ўзбекистонда, хорижий давлатларда, нуфузли тadbирлар, олиё даражадаги учрашуларда кўп марта учрашганман. Хусусан, биз Қирғизистон учун қийин ва хатарли дaвлрлар — 2005 — 2010 йиллар оралиғида бир неча бор юзмаюз мулоқотда бўлганмиз.

Президент Исро Каримовнинг қарорлари биз учун ўта муҳим аҳамиятга мўлик эди. Қирғизистоннинг ўша мушкул вазиятдан чиқиб кетишига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти шaроит яратди, десам, асло хато қилмаган бўламан. Исро Абдуғаниевич Каримовнинг тиним билмай ишлаганига қойил қоламиз. Биз минтақамизда шундай раҳбар бўлгани билан фахрланганимиз керак”.

Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонасига ташриф буюрган **Япониянинг собиқ Бош вазири, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Йоширо Мори** Исро Каримов портрети олдида бош эгиб, гул кўйди ҳамда ўз ҳамдардлигини таъзия китобида ёзиб қолдирди ва куйдагиларни таъкидлади:

“Мустақиллик йилларида Исро Каримов республикамиз самарали бошқарди ва халқнинг катта ишончсини қозонди. Шахсан мен Ўзбекистон Президенти билан бир неча марта учрашганман ва у кишини мидонатли ҳамда буюк сиёсатчи сифатида ҳурмат қилганман. Исро Каримов менга ҳаёда этган иккита миллий зарчолон бор. Ханузгача уларни асраб-авайлашман, шахсий музейимда бебаҳо бойлик сифатида сақлапман.”

Ўзбек дўстларимнинг қайғусига шерикман. Исро Каримовнинг қариндошларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлигини билдираман”.

Республикамизнинг Мадридаги элчихонасига келган Испаниянинг собиқ ташқи ишлар вазири Михель Анхель Моратино куйдаги фикрларни билдирди:

“Мен хизмат юзасидан турли даврларда Исро Каримов билан

учрашганман ва ҳамиша унинг халқаро майдондаги вазиятини чуқур билиши ҳамда турли маданиятлар ўртасида келишувни топиш ва мулоқот қилиш қобилиятига қойил қолганман. У замонимизнинг бутун дунёга оид мураккаблиқларидан, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий хавф-хатарларидан воқиф эди. Исро Каримов мамлакатда ва минтақада хавфсизликни таъминлаш йўлларини тинимсиз қидирган. Унинг вафоти — буюк йўқотиш”.

Шу кунларда Ўзбекистон Президентининг вафоти муносабати билан Греция жамоатчилиги ҳам ўзбек халқининг қайғусига шерик. Ушбу давлатнинг ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доираларининг кўпала вакиллари **мамлакатимизнинг Афинадаги Бош консулхонасига** келиб турибди. Улардан **миллий парламент депутаты, “Греция — Ўзбекистон” парламентарларо дўстлик гуруҳи раиси Хайза Зейбек** куйдаги сўзларни ихор этди:

“Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исро Каримов вафоти муносабати билан ўзининг чуқур таъзиями билдираман. Мамлакатининг гуллаб-яшнаши ва Ўзбекистон халқининг фаровонлиги йўлида давлат раҳбари бошлаган эзгу ишлар келажақда ҳам давом этишини тилаб қоламан”.

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасига келган Бирлашган Қироллик парламенти вазири Лордлар палатаси аъзоси, Британия — Ўзбекистон жамяти президенти Фредерик Понсонби Ўзбекистон раҳбари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, куйдагиларни айтиб ўтди:

“Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда етакчи давлат бўлиб шаклланишида Исро Каримовнинг хизматлари беқийсидир. Мамлакат бой маданий меросига эга, ўзининг демократик институтларни ривожлантирмоқда. Мустақилликнинг 25 йилли давомида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда улкан тараққиётга эришилди. Ўзбекистоннинг айнан ўзи Президент Исро Каримовга қўйилган ҳайкалдор”.

Буюк давлат арбобидан жудо бўлган ўзбек халқининг муносабатига шерик бўлган **Женева Дипломатия клуби президенти Роберт Блум** БМТ Женева бўлими ҳузурдаги мамлакатимизнинг доимий ваколатхонасига келиб, Ўзбекистон суверен давлат сифатида шақлланишида Исро Каримовнинг хизматларига юқори баҳо бера экан, куйдаги фикрларни айтди:

“Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мамлакатни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ишларни амалга оширдики, ўша даврнинг реалликлари ҳисобга олинадиган бўлса, бу шубҳасиз, мураккаб ва фавқуллода аҳамиятга мўлик бўлган миссия эди. Қисқа давр ичида Исро Каримов республикамиз том маънодаги мустақил мамлакатга айлантди.

Ўзбекистон Биринчи Президентининг вафоти республика аҳолиси учун жуда катта йўқотишдир. Ўзбек халқига мамлакатда мустаҳкам тинчликни асрагани ҳолда, ўзининг Етакчиси аниқ-равшан белгилаб берган йўлни давом эттиришини тилайман”.

Шаҳрёр ТУРҒУНБОЕВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.

МЕДАЛИМИЗНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КЎКСИГА ТАҚМОҚЧИ ЭДИК

Юртдошларимиз мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исро Каримов хотирасини ёд этиб, бу буюк инсон ишлаб чиққан узоқ йилларга мўлжалланган дастурларни амалга оширишга ўз хиссасини қўшиш, бу гоёларга содиқ бўлиш ҳақида қалб сўзларини билдирмоқда.

Ҳасанбой ДҲСМАТОВ, XXXI ёзи Олимпия ўйинлари голиби: — Президентимизнинг спортга муносабати ўзгача эди. Бу соҳани ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижаларини бугун бутун дунё тан олиб турибди. Эндиликда тараққиёт этган мамлакатлар ҳам биз тўлган бой тажрибага катта қизиқиш билан қараётгани, эътироф этаётганининг эътибори борада бошланган ислоҳотлар нечоғли тўри эканлигини исботлаб турибди.

Юртбошимиз “Ҳеч бир нараса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди”, дея қўп таъкидларди. Дарҳақиқат, турли йўналишлар бўйича турларо мусобақаларда қатнашиб, чемпион деган номга сазовор бўлаётган юзлаб спортчиларимиз шарафига байроғимиз юксак ҳиллабди, мадҳиямиз янграётгани бунинг ҳаётий тасдиғидир. Мен бахтли авлод вакиллари билан бирман. Яқинда XXXI ёзи Олимпия ўйинларида голиб чиқдим. Бу ютуғим юксак баҳолаб, Президентимизнинг 2016 йил 24 августдаги Фармонига мурофи, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирландим.

Биз, мустақиллик фарзандлари етарли шaроит, улкан эътибор ва кенг имкониятлар даврида вояга етдик. Бундан унумли фойдаланган ҳолда ўзимизга билдирилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилаймиз. Ана шу хайрли ишларнинг барчаси Президентимиз Исро Каримов номи билан боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Юртбошимизнинг орзулари, гоёлари, амалга ошириши керак бўлган ишлари жуда кўп эди. Биз ана шу эзгу ҳаракатнинг давомчилари сифатида ҳамиша олдинга интиламиз.

Шаҳобиддин ЗОИРОВ, XXXI ёзи Олимпия ўйинлари голиби: — Спортчи учун ишонч, қатъий, матонат муҳим саналади. Юртбошимизнинг ҳар бир сўзи, эзгу даъватлари ўзимизга бўлган ишончнинг мустаҳкамлари. Кунимизга куч қўшарди. Орузим Олимпиадада иштирок этиб, голиб чиқиш эди. Мақсадамиз эришдим. Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 24 августдаги Фармонига мурофи, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирландим. Биз Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган замонавий таълим муассасаларида ўқидик, мухташам спорт залларида маҳоратимизни оширдик. Шу боисдан ҳам ёзи Олимпиадада олашумул ютуқни кўлга киритдик.

Юртбошимизнинг орзулари, гоёлари, амалга ошириши керак бўлган ишлари жуда кўп эди. Биз ана шу эзгу ҳаракатнинг давомчилари сифатида ҳамиша олдинга интиламиз.

Шаҳобиддин ЗОИРОВ, XXXI ёзи Олимпия ўйинлари голиби: — Спортчи учун ишонч, қатъий, матонат муҳим саналади. Юртбошимизнинг ҳар бир сўзи, эзгу даъватлари ўзимизга бўлган ишончнинг мустаҳкамлари. Кунимизга куч қўшарди. Орузим Олимпиадада иштирок этиб, голиб чиқиш эди. Мақсадамиз эришдим. Президентимиз бу ютуғимни юксак баҳолади. Мен давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 24 августдаги Фармонига мурофи, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирландим. Биз Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган замонавий таълим муассасаларида ўқидик, мухташам спорт залларида маҳоратимизни оширдик. Шу боисдан ҳам ёзи Олимпиадада олашумул ютуқни кўлга киритдик.

«Халқ сўзи» мухбирлари Саминжон ҲУСАНОВ, Истам БИРОХИМОВ, ЎЗА мухбири Байрам АЙТМҲРОДОВ ёзиб олди.

Тўқимачилик саноати ривожи учун қулай бизнес майдони

◀ (Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Зеро, бугунги кунда турфа хилдаги эркалар, аёллар ҳамда болалар либослари, спорт кийимлари, шунингдек, яримтайёр маҳсулотлар “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди билан дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларига етказиб берилмоқда.

Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўргазмалар эса республикамизда фаолият кўрсатаётган энгил саноат корхоналарини техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш тadbирларининг янада ҳадаллашувига хизмат қилаёпти. Сабаби, эндиликда юртимиз саноатчилари ўзларига зарур ускуна ҳамда жиҳозларни хориждан излашларига ҳожат йўқ. Жаҳонга машҳур компаниялар ҳар йили Тошкентга энг сўнгги маҳсулотлари ва ишланмалари билан ташриф буюраётди. Жумладан, халқаро кўргазмаларнинг бу галли бирлашган экспозициясида Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Италия, Хитой, Голландия, Корея Республикаси, Россия, Руминия, АКШ, Таиланд, Франция, Швейцария, Япония сингари дунёнинг 22 мамлакатдан 271 дан зиёд компаниялар ўз ускуна ҳамда жиҳозлари, техника ва технологияларини намойиш қилмоқда.

— Бизнинг компаниямиз

тўқимачилик саноати учун замонавий машиналар ишлаб чиқариши ихтисослаштирилган, — дейди Италиянинг “Corina Macchine” компанияси савдо директори Силвано Риззо. — Уларнинг унумдорлиги юқори, тежамкор, энг асосийси, халқаро стандартларга тўла мос келадиган сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини бериши боис жаҳон бозорига талаб ниҳоятда катта. Айниқса, ип йиғириш ҳамда газлама тўқиш ускуналаримиз дунёнинг деярли барча мамлакатига экспорт қилинади. Хусусан, Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиёдаги энг ишончли, доимий ҳамкоримиздир. Юртингизда кейинги йилларда энгил саноат барқарор сурьатларда ривожланаётгани, қулай бизнес муҳити яратилгани иқтисодиётингизга қизиқишимизни тобора кучайтираёпти.

Аслида, компаниямиз Ўзбекистонлик саноатчилар билан тенг манфаатли алоқаларни ўрнатганига 10 йилдан ошди. Мамлакатингизга ҳар гал келганимизда, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги ўзгаришларга, иқтисодий соҳалари бири-бирига узвий боғланган ҳолда, изчил тараққиёт топиб бораётганига гувоҳ бўламан.

Кўргазма залларини айланган киши, хорижлик ишбилармон эътироф этганидек, Ўзбекистонимизда энгил саноатнинг жа-

дал сурьатларда ривожланаётгани, унинг бугунги ютуқлари ҳамда нури истиқболини яққол тасаввур қилади. Чунки бу ерда республикамизда фаолият кўрсатаётган кўплаб замонавий корхоналар томонидан намойиш этилаётган турфа хилдаги маҳсулотлар, ҳатто, тўқимачилик машина ва ускуналари ўзининг юқори сифати билан бемалол рақобатга кириша олади. Шу боис улар учун ажратилган бўлмалар чет эллик мутахассислар билан гавжум. Уларга мамлакатимизда хорижлик инвесторлар учун яратиб берилган шарт-шароит, қулайликлар ҳақида атрофича маълумотлар берилёпти.

— Бу йилги кўргазмада жамиятимиз тизимидаги 100 дан ортиқ корхоналар 150 турдаги экспортбон маҳсулотлари билан қатнашмоқда, — дейди “Ўзбек-килтисаноат” ақциядорлик жамиятининг Маркетинг бўлими бош мухассиси Махсуба Султонова. — Уларнинг аксарияти Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги билан эътиборга мўликдир. Жинси газламаси, кўйлакбоп, сочқибоп матолар, кийим-кечакларнинг безак қисмлари, туғмачалар, тақиммалар ана шулар сирасига кириди. Бозор талаби чуқур ўрганилган ҳолда, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилаётгани, айниқса, янги савдо йўлақлари-

нинг очилишида ҳам муҳим омил бўлаёпти.

Зарафшон шаҳрида жойлашган “Orianna Yarns Textile” масъулияти чекланган жамяти ҳам импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаётган субъектлардан бири ҳисобланади. Бу ерда Германия, Швейцария, Франция технология линиялари ёрдамида акрил иплар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Ваҳолонки, авваллари мазкур турдаги иплар хориждан келтирилар эди.

— Корхонамиз ойига 100 тонна ана шундай ип тайёрлаш имкониятига эга, — дейди жамяят раҳбари Баҳодир Тулаганов. — Маҳсулотимиз сифати юқорилиги боис дастлабки партиясини ҳам экспорт қилинди. Мақсадамиз акрил ипларга бўлган ички эътиёжни таъминлаш баробарида, унинг ташқи савдосини мунтазам ошириб боришдир. Бугунги кўргазма шунга туртки беради.

“Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТМЕ — 2016” халқаро кўргазмасида йиғириув, калавалаш, тўкув, тўкув, буюш ҳамда пардозлаш ускуналари бўлимлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда Италия,



Германия, Швейцария, Хитой, Чехия, Япония каби давлатларнинг дунёга машҳур 70 та компанияси маҳсулотлари жой олган. Ёрлық босиш ва каштачилик ускуналари, пайпоқ тўқиш автоматлари, компрессорлар, доиралар тўқиш ҳамда ролиқлик босма машиналар, шунингдек, тўқимачилик учун қимёвий маҳсулотлар ҳамда бошқа кўплаб жиҳозлар шулар жумласидандир. Кўргазма иштирокчилари булар билан нафақат қияндан танишиш, балки шу ернинг ўзида иллатиб кўриш имкониятига ҳам эгалар. Бу эса тadbирларнинг қизгин кечиши, томон-

ҳудудида компаниямиз дўконларини очишга эришдик. Навбатдаги кўргазмада энг сўнгги русумдаги, энергия тежамкор тикув машиналарини намойиш этаймиз. Улар орасида “А-4”, яъни “гапирувчи” машинамиз кўпчиликда қизиқиш уйғотапти. Ўзбекистонлик бюртмачилар талабига биноан, келгусида уларни ўзбек тилида ҳам “гапиртириш” ниетидамиз.

Айтиш жоизки, кўргазмалар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида турли тadbирлар, тақдиротлар ўтказилиши режалаштирилган. Буларнинг барчаси пировардида тўқимачилик ва энгил саноатини янада ривожлантириш, Ўзбекистон бозорига чет эллик корхоналарни кенгрок жалб этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жаҳон тўқимачилик машинасозлиги ҳамда энгил саноат вакиллари “ҳақиқий бизнес майдони” дея таъкидлаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзбек-енгилсаноат” ақциядорлик жамияти, Савдо-саноат палатаси, “Осиё рамзи” Ўзбекистон моделиерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида “ITЕ Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компаниясини томонидан ташкил этилди.

Хусусий сектор таракқиётининг кафолати

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ғоя ҳамда ташаббусларини рўйбга чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бинобарин, хусусий сектор аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишини таъминлашнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

ЖАРАЁН

Шу ўринда бугун Хоразм вилоятида 10 минг 656 та кичик бизнес субъекти фаолият юритаётгани, жорий йилнинг ўтган етти ойида воҳа бўйича 858 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани таъкидлаш жоиз. Қолаверса, соҳанинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидеги улуши 61,7 фоиз, аҳоли бандлигидаги улуши эса 82 фоизга етгани тармоқнинг иқтисодийдаги ўрни қанчалик юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда молиявий кўмакнинг аҳамияти беқиёс. Жорий йилнинг саккиз ойида тижорат банклари томонидан ушбу йўналишга 389 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилгани тадбиркорлик равнақига катта ҳисса бўлиб қўйилди. Зеро, ишбилармонлар бундай молиявий ёрдам эвазига илгор



келтирилган илгор технологиялар билан жиҳозланаётган илгор технологиялар билан жиҳозланаётган илгор технологиялар билан жиҳозланаётган

технологияларни харид қилиб, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар.

Ана шулардан бири — Шовот тумани марказидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктишослаштирилган «Жой кур» масъулияти чекланган жамиятидир. Бундан етти йил олдин, уч нафар киши билан иш бошлаган мазкур корхона банкнинг 400 миллион сўм миқдоридеги кредити ҳисобига Хитой, Россия давлатларидан

ги қўл келаётган. Масалан, бу ерга ўрнатилган ускуналар маҳаллий хом ашё ҳисобига чиқиндисиз ишлайди, энергия тежамкор. Корхона фаолият бошлаганидан буён 800 миллион сўмликдан зиёд модернизацциялаш тадбирлари олиб борилгани иш суръатининг ошишига имкон яратди.

— Маҳсулотларимизнинг бозори қаққон, чунки сифати хорижникидан асло қолишмайди, — дейди МЧЖ раҳбари Иномжон Саидов. — Ўзимизнинг савдо марказимизга эгаметиз. Бундан ташқари, 20 дан

ортиқ йирик қурилиш корхоналари миқозларимиз ҳисобланади. Албатта, фаолиятимизнинг бу жиҳати ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ишчи-ҳодимларимизнинг даромадларини оширишда асосий омил бўлмоқда. Жамоамизда унумли меҳнат қилиш учун барча қулайлик яратилган. Рақамлар мисолида айтадиган бўлсак, ўтган йили 2 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Шу йилнинг ўтган даврида эса 1 миллиард сўмликдан кўпроқ қурилиш материаллари тайёрланди. Келгусида бўёқнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилади, маҳсулот хили кўпаяди. Шу орқали бозорни рақобатдош қурилиш материаллари билан тўлдириш, аҳоли турмуш фаровонлигини тобора юксалтиришдек хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Дарҳақиқат, изланиш, ташаббус ва самарали меҳнат бор жойда изчил ривожланиш, барқарор ўсиш кузатилади. Бу, шунингдек, барча соҳада, айниқса, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уни янада кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, аниқ чора-тадбирларнинг амалий ифодасида кўриниб турибди.

Оббек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Бўлғуси чемпионларга аталган

Андижон

Балиқчи туманидаги «Mini teks» кичик корхонасида янги турдаги бокс кўлоқлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Спортчиларимизнинг жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпиада ўйинларида эришган муваффақиятларидан руҳланган ҳолда ушбу маҳсулотимизга «Чемпион» деб ном бердик, — дейди корхона раҳбари Ашуралӣ Аҳмедов. —

Улар сифатлилиги, қулайлиги ва бокснинг барча талабига тўла жавоб бериши билан аҳамиятлидир. Янги маҳсулот бўлғуси чемпионлар кашф этилишига хизмат қилса, ажаб эмас.

Уч йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада айни пайтда 20 дан зиёд турдаги импорт ўрнини босувчи спорт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Балиқчиликда салмоқли натижа

Жиззақ

Мирзачўл туманидаги «Речной причал» фермер хўжалиги балиқчиликни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришди. Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур жамоа томонидан аҳоли дастурхонига 150 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб берилди.

— Айдар — Арнасой кўллари тизимининг 4500 гектарлик сув ҳавзаси иштирокида, — дейди фермер Рамиз Абиев. — Тармоқни янада ривожлантириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилаямиз.

Умуман, айни пайтда вилоятдаги кўллари ижарага олган 120 та фермер хўжалигида ҳамда 52 та сунъий ҳавзада балиқчилик жадал ривожлантириляпти.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кенг қўламли янгиликлар

Самарқанд

Самарқанд шаҳридаги Фарҳод шаҳарчасида каровисиз ётган 1,5 гектар ер ҳашар йўли билан ободонлаштирилиб, «Зарафшон» истироҳат боғи ташкил этилди.

Бу ерга 1,5 миллиард сўм миқдоридеги маблағ эвазига замонавий аттракционлар ўрнатилди. Манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилиб, йўлакларга бежирим қопламалар ётқизилди. Шунингдек, мусиқали фаввора, ранго-ранг чироклар ҳудуд кўркига кўрк қўшган бўлса, сунъий қопламали мини-футбол майдони спортсаварлар учун қулайлик яратди.

Бинобарин, шаҳарчанинг 1,5 километрик

ички йўли давлат бюджетидан ажратилган 324 миллион сўм эвазига таъмирланди. Ҳудуддаги «Фарҳод» деҳқон бозорида ҳам умумий қиймати 1 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада бу ерда 64 та савдо растаси ҳамда 7 та дўкон барпо этилди.

Бундан ташқари, шаҳарчадаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳам Инвестиция дастури асосида 580 миллион сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирланди. Бу ерда 250 ўринли концерт зали фойдаланишга топширилиб, бешта йўналишда тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инсон қадри улғу

Қашқадарё

Қарши шаҳрида 30 хонадонга мўлжаллаб қурилган икки қаватли тураржой биноси Меҳрибонлик уйларида камол топган йигит-қизларга берилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар мазкур эзгу иш юксак бағрикенглик намунаси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Этиборлиси, вилоят ҳокимлиги, бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар ташаббуси билан қиска муддатда қуриб битказилган ушбу тураржойда ёш оила соҳиблари учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Шунингдек, бу ерда маънавият ва маърифат хонаси, тренажёрлар ҳамда бошқа анжомлар билан жиҳозланган спорт зали мавжуд. Қолаверса, хонадон эгалари пастки қаватдаги махсус хоналарда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Малакали тиббий хизмат

Сурхондарё

Денов туманидаги «Денов-Дибрбек-транс» масъулияти чекланган жамияти қошида «Евромед» соғломлаштириш клиникаси ишга туширилди. Мазкур тиббиёт муассасасини бунёд этиш учун жамиятнинг 1 миллиард 250 миллион сўмдан зиёд маблағи йўналтирилди.

— Юрак-қон томир, асаб, буйрак касалликла-

рини самарали даволашни йўлга қўйдик, — дейди клиника шифокори Шахло Бойсариева. — Бир вақтнинг ўзида 60 нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз.

Таъкидлаш керакки, мазкур шифохона 300 миллион сўмлик энг сўнгги румсадаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2016 йил —

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов асос солган ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни Ватанимиз, миллий аъёна ҳамда қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топтириш, муттасил ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ

Ана шу эзгу мақсад-муддаолар мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириляпти. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазидаларга ҳамроҳандир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиридан маълум қилишларича, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилда 371 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 29 умумтаълим мактабини янгидан қуриб, фойдаланишга топширилган бўлса, 239 мактаб қайтадан реконструкция қилинди, 103 билим мактабини капитал таъмирланди.

Давлат дастурига кўра, 2016 йил Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 28 болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилиш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ва замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлашга эътибор қаратилди. 200 дан ортиқ умумтаълим мактабида спорт заллари қурилиб, улар замонавий спорт анжомлари ҳамда ускуналари билан таъминланди.

1 минг 220 умумтаълим мактабида компьютер синфини ташкил этиш, интерактив электрон доскалар ва кондиционерлар билан жиҳозлаш назарда тутилган. Жорий йилда 286 мактаб-гача таълим муассасасини капитал реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, уларни мебель, асбоб-ускуналар, ўйинчоқлар ҳамда техник воситалар билан жиҳозлаш бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти.

«Таълимда глобал ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларида қиска муддатли гуруҳлар шакллантирилиб, ўқув мебеллари ва ривожлантирувчи таълим материаллари билан таъминланапти. Мактабгача таълим макталари кутубхоналари болалар бадиий адабиётлари билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, 3 — 6 ёшли фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«Ягона дарча» — тадбиркорнинг яқин кўмакчиси

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш, соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

ХИЗМАТ

Хусусан, вилоятда фаолият юритаётган «Ягона дарча» марказида ҳафтанинг ҳар жума куни «Тадбиркорлар куни» деб белгиланганки, ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланаётган ва бизнесини бошлаш арафасида турган кишилар ўзларини қизиқтирган барча саволга мутахассислардан

жавоб олишлари мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлардан тушган 810 та мурожаат улар фойдасига хал этилди.

Корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, маҳсулот турини кўпайтириш ҳамда жаҳон бозорига ўз ўрнини топиш бугунги кунда тад-

биркорларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Шу маънода, бошқармаимиз томонидан ишбилармонларга хориждан умумий қиймати 117 минг 650 АҚШ долларилик бўлган 15 та технологик линия олиб келинишига кўмаклашилгани уларнинг ишига янада барака киритди. Шунингдек, мутахассисларимизнинг 50 та тадбиркорлик субъектига бизнес-режа тузишда ёрдам бериши натижасида 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. 321 корхонага кўрсатилган мадад туфайли уларнинг фаолияти замон

талаблари даражасида тўлиқ қайта тикланди.

Қисқаси, вилоятда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг бозорда ўз ўринларини топишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳамма гап мақсад сари дадил ҳаракат қилишда. Бу борада зиммамиздаги вазифани оғишмай бажариб, хусусий сектор вакилларига кўмак беришда давом этаверамиз.

Умрбек ТОЖИБОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

ЭЪЛОНЛАР

10-халқаро ихтисослаштирилган
КИМЁ САНОАТИ
кўргазмаси

7-халқаро ихтисослаштирилган
ПЛАСТМАССА САНОАТИ
кўргазмаси

2016 йил 14 — 16 сентябрь
Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ»

ON-LINE РҲҲАТДАН ҲТИНГ

ITE Uzbekistan
Тел.: (+99871) 205-18-18.
E-mail: project@ite-uzbekistan.uz

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 27 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2472-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов номидаги ҚФЙ, Янгиҳаёт кўчасида жойлашган, умумий майдони 628,07 кв. м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 9-сонли уй такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 141 857 743 сўм.
Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига

бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-09-38.
Ички телефон: 258.
Хизматлар лицензияланган.



ЎЗБЕК ФЕРМЕРИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса ўз маҳсулотини қайта ишлаб дунё бозорига чиқариш ташвишида юрган фермерлар учун янги имкониятлар йўлини очди. Эндилликда ўзбек деҳқони ўз даласида етиштирган маҳсулотни ички ҳамда ташқи бозорларда эмин-эркин сотиши учун ҳуқуқий тизим яратилди. Буни жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси яқунлари тасдиқлаб турибди.

Гап шундаки, ушбу нуфузли форумда 30 га яқин давлатларнинг вакиллари иштирок этиб, улар томонидан фермерларимиз етиштирган мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 270 та шартнома имзоланди. Уларга биноан, чет эллик буюртмачиларга етказиб бериладиган ноз-неъматларнинг 27 фоизини собзавот, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17 фоизини қурилган ва қайта ишланган товарлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини эса полиз экинлари ташкил этади.

Фермерларда эгалик ҳисси шаклланишида бебаҳо бойлигимиз ҳисобланган ерга бўлган давлат мулкчилигини сақлаб қолган ҳолда, ижара механизми жорий этилганлиги муҳим омил бўлди. Дастлаб ер майдонлари қисқа муддатга ижарага берилган бўлса, кейинчалик босқичма-босқич узайтирилиб, айтилган пайтда янада чўзиш шarti билан 30 йилдан 50 йилгача қилиб белгиланди.

Шу ўринда, мамлакатимизда фермер хўжаликлари учун яратилган кенг қўламли имтиёзларга тўхталиб ўтсак. Зеро, мазкур имтиёзларсиз фермер хўжаликлари бугунги тараққиёт даражасига эришмаган бўлар эди. Жумладан, фермер хўжаликлари учун 10 га яқин солиқлар ўрнига ягона ер солиғининг жорий қилиниши, уни тўлаш бўйича ҳам бир қатор имтиёзлар берилгани,

қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишда имтиёзли лизинг тизими йўлга қўйилгани, чорвачилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларни ривожлантириш учун хориждан жиҳоз, хом ашё, технологик ускуна ва техникалар олиб келишда бож тўловларидан озод қилинганлиги, узоқ муддатли ҳамда имтиёзли кредитлаш тизими яратилганлиги, у доимий равишда такомиллаштириб берилаётганлиги, айтиш мумкинки, қишлоқ мулкдорларига кўрсатилаётган гамхўрликнинг бир қисми, холос.

Бундан ташқари, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётгани, бунинг натижасида фермер хўжаликлари экин майдонларининг унумдорлиги тобора ортиб, пироваврида ҳосилдорлик пахтачиликда ўртача 2-3, галлачиликда эса 4-5 центнерга кўтарилди.

Чиндан ҳам, илгари 10 центнер ҳам ҳосил олинмаган ғўза майдонларидан бугунги кунда ундан 3-4 барабар зиёда пахта етиштирилаётгани диққатга сазовордир. Аниқроғи, қўллаб-қўллаган фермерлар ҳар гектаридан 40 — 45 центнердан ошириб муҳим саноат хом ашёси йиғиштириб олишмоқда. Бу деҳқончилик маданиятининг юксалиб бораётгани ифодаси, дала меҳнаткашларида манфаатдорлик ортаётгани самараси, ишга бўлган муносабат тамомила ўзгаргани, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасидир.

Кечаги деҳқон билан бугунги фермернинг ер билан осмонча фарқи бор. Собиқ иттифоқ даврида мулкдор деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Бу ҳақда, ҳатто, ўйлаб ҳам бўлмади. Ҳозир-чи? Фермер — чинакам мулкдор. Астойдил меҳнат қилса, албатта, роҳатини кўраяпти. Йилдан-йилга даромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Ишчилари ҳам ернинг ортидан оиласини боқаяпти, турмуш шароитини яхшиламоқда.

Фермерлар ўз фаолиятининг дастлабки пайтларида кўрган фойдасини замонавий уй-жойлар барпо этиш, машина сотиб олиш каби эзгу орзулари йўли-

да сарфлаган бўлса, эндиликда уларнинг мақсадлари ҳам улканлашиб бораётди. Яъни қишлоқ саноатини олиб кириш, замонавий корхоналар ташкил қилиш, худудлар инфратузилмасини такомиллаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Бу эса биз танлаган тараққиёт йўли — “ўзбек модели”нинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатади.

Юртимизда фермерлик ҳаракати ривожига уларга барча турдаги зарур хизматлар кўрсатилган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани муҳим роль ўйнаяпти. Бир эътибор қилинганда, ҳозирги пайтда 1500 дан ортиқ машина-трактор парклари, 1504 та сув истеъмолчилари уюшмаси, 1006 та ёнилғи-мойлаш материалларини тарқатиш, 1400 га яқин минерал ўғит сотиш, 2604 та ветеринария хизмати, 350 га яқин консалтинг хизматларини кўрсатувчи шохобчалар фермерларга беминнат ёрдам беришга тайёр. Қисқача айтганда, уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари дейсизми, кимёвий воситалар бўладими — буларнинг барчаси деҳқон даласига етказиб берилапти.

Ушбу жараёнда фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб



чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этиш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Аксинча, бу йўналишдаги ишлар қўламли йил сайин кенгайтирилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил

қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда унинг 13 та худудий ва 156 та туман кенгашлари тузилгани айти мутдао бўлди.

Кенгашнинг барча бўғиндаги тузилмаларига илғор, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришган, эл-юрт олдида катта ҳурматга эга бўлган 1736 нафар тажрибали фермер аъзо этиб сайланди. Улар ўзларининг бой тажрибаси, қимматли маслаҳати билан ёш фермерларга йўл-йўриқ кўрсатиб, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, тармоқ сама-

радорлигини оширишда яқиндан кўмак бериб келишмоқда.

Фермерлик ҳаракатини бошқариш тизимидаги мазкур янги тузилма, ўз навбатида, фермерларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини янада кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг асосийси, соҳага илм-фан ютуқлари ва энг замонавий агротехнологияларни жорий қилиш имконини берапти. Бунинг натижаси ўларок, эндиликда фермерлар бир йўналиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Улар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, қўшимча тармоқларни ишга тушириш, қишлоқ саноатини олиб кириш, етиштирилган маҳсулотларини худудларнинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйиш, энг асосийси, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда ташаббускор бўлмоқдалар. Мисол учун, ўтган қисқа давр ичида фермер хўжаликларининг 50 мингдан ортиги кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилди. Шунинг ҳисобига 340 мингга яқин қўшимча иш ўринлари очилиб, қишлоқ аҳолисидан шунча қисмининг бандлиги таъминлангани эътиборга молик.

Бу Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Фермер нафақат деҳқончилик сирларини пухта

янада яхшилаш, юртимизни бундан-да обод қилишда фаол иштирок этиши керак” деган сўзлари ҳаётда ўз ифодасини топаётганидан ёрқин далолатдир.

Бугун бозору дўканолимизда фермер хўжаликларининг ёрлиги туширилган озиқ-овқат, энгил саноат ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва буюмларини кўришингиз оддий холга айланди. Сабаби, республикамиз аграр соҳасининг таянч устуни бўлмиш фермер хўжаликлари фаолиятига инновацион ишланмалар, илм-фан ютуқлари изчил қўлланилаётгани туфайли улар саноат йўналишларини муваффақиятли ўзлаштириб олмақда. Натижада фермерлар томонидан тақдим этилаётган хизмат ҳамда маҳсулотлар ички бозорни тўлдирибгина қолмасдан, балки Европа, Осиё, Америка қитъалари мамлакатлари, қўйингки, бутун дунёга экспорт қилинаётди.

Ваҳолонки, бундан 15 йиллар муқаддам фермер хўжаликларининг умумий майдони салкам 500 минг гектарни ташкил этиб, республикамизда етиштирилган жами пахтанинг 5 фоизи, галланин 7 фоизи, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг атмиги 2-3 фоизи уларнинг улushiга тўғри келиб, қайта ишлаш тармоқлари амалда бўлмаган.

Кўрииб турибдики, яратилган қулай шарт-шароитлардан унумли олиб кирилди. Шунинг учун бўлса керак, уни қуллорассом сифатида яхши билишмоқда.

Дарҳақиқат, устанинг ишини қузаат эканмиз, сопол буюмларга чизилган бетакрор нақш ҳамда суратларни кўриб, хайратланамиз. Айниқса, Тоҳиржон ақанинг уй-музейидан катта таассурот олиш мумкин. Хонадоннинг бир томонида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарларига ишланган миниатюралар, иккинчи томонда эса мураккаб ҳамда нафис нақшлар, ўзига хос услубда яратилган, табиат манзаралари туширилган турли кўринишдаги сержило идишлар тартиб билан жойланган.

Қуллорассом пойтахтимиз ва вилоятларимизда ташкил этилган кўллаб-қўллаган кўрғазмаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Унинг меҳнати қадрланиб, мамлакатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бундай тизимли ишловлар озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим қадамидир. Зеро, Истиклол йилларида асос солинган фермерлик ҳаракати ўзбек деҳқонига мулкдор бўлиш, ўз меҳнатидан манфаат қуриш, рағбат топишдек бахту саодатни берди.

СОДИҚОН ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Амалий санъатнинг нодир мактаби

Халқ амалий санъати бугунги кунга келиб бебаҳо аъёналарни акс эттирган соҳа сифатида эътироф қозонди. Риштон тумани худудида яшаб меҳнат қилаётган усталар фаолияти буни яққол тасдиқлайди. Қуллолик мактабининг етук вакилларидан бири Тоҳиржон Хайдаровнинг бу борадаги ишлари, айниқса, алоҳида таҳсинга сазовор.

ХУНАРАМАНДИЧИЛИК

— У тайёрлаётган маҳсулотларнинг ўзига хослиги шундаки, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси академиги Шарофиддин Юсупов, — оддий игна билан турли тасвирларни чизиб, уймакорлик услубида ижод қилади. Минг йиллар давомида Риштон қуллолик мактаби тарихида аъёнанинг чизма услубларидан фойдаланилган бўлса, мустақиллик йилларида бу йўналишда Тоҳир Хайдаров томонидан бир неча ноъбанавий усуллар, нақшлар ва тасвирлар билан ишлов бериш услуби олиб кирилди. Шунинг учун бўлса керак, уни қуллорассом сифатида яхши билишмоқда.

— Бу эътироф мени руҳлантирди, — дейди уста. — Масъулиятини янада ошириш. Янги режаларга қанот бағишлади. Хонадонимиз марказдан узоқда жойлашган. Устахона ҳамда уй-музейимизга сайёҳларнинг келиб-кейтишлари бир оз ноқулай. Шунинг учун туман ҳокими қўмаги билан Бешкапа шаҳарчасидаги катта йўл ёқасида 10 сотихли устахона ва музей ташкил қилдик. Ҳозир 500 га яқин экспонатлар жойлаштирилган 4 та катта хона, қадимги қуллоллар усулига, фақат қўл меҳнатига асосланган устахона, сопол идишларга нақш ҳамда безак бериладиган махсус айвонча сайёҳлар эътиборини ўзига қаратмоқда. Келгусида қуллолик мактабини ҳам ташкил этиш ниятидамыз.

Айни дамда устанинг 40 нафар шогирди ушбу хунар сирларини кунт билан ўрганмоқда. Мустақиллик тенгдоши бўлган ўғли Элбек Хайдаров ҳам бобомерос аъёналарни давом эттирапти.

— Худудимиздаги маъжуд 4 та маҳаллада хунармандининг ривож топишида Тоҳиржон Хайдаровнинг катта ҳиссаси бор, — дейди “Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобилжон Мўминов. — Яқинда хунармандининг 10 нафар шогирди ҳам мустақил тарзда ўз устахонасини очиб, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишни йўлга қўйди.

Элёржон ЭҲСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар учун замонавий стадион

Вобкент болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг маъражий стадионида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилди.

ФАМХҲҮРЛИК

Бунёдкорлик тадбирлари доирасида бу ерга янги ўриндиқлар, соябонлар ўрнатилди. Тунги ёритиш тизими янгиланди. Ён-атрофида эса ободончилик июмшлари бажарилди. Эндиликда бу ерда спортнинг ўндан зиёда тури билан мунтазам шуғулланиш, турли мусобақаларни юксак савияда ўтказиш мумкин. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 290 миллион сўм сарфланди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

локал тармоқ ускуналарини алмаштириш учун Cisco Systems компанияси томонидан ишлаб чиқарилган телекоммуникация ускуналарини импорт етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгиланган шаклда) ушбу эълон чоп этилган санадан кейинги 8 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомана юборган ва малакавий танловдан ўтган шахсларга тендер ҳужжатлари мазкур эълон чоп этилган санадан кейинги 25 календарь кун давомида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, улар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилган ёки шахсан келтирилган) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейин 42 календарь кун ўтгач, маҳаллий вақт билан соат 16.00 да тўхтатилади.

Буюртманомана шакли ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил:
Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй,
«Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.

Телефон: (+99871) 234-42-86. www.nbu.uz

Алоқада бўлувчи шахс — Ольга Блохина. Хизматлар лицензияланган.

«Best realtor» МЧЖ
Наманган минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 3 январдаги 10-1320/15283-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулбод шаҳри, Бобур номидаги МФЙда жойлашган, «Норин автотехсервис ММТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1197,95 кв. м. бўлган автомобилларни таъмирлаш буюв-иншоотлари такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 308 691 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 сентябрь куну соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 26 сентябрь куну соат 18.00.

Мазкур кўпма маулрак билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳман Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25. www.emulk.uz Электрон почта: best.namangan@inbox.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Табриқиятга келган кўзёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.04 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6